Qishloq hayoti

O`zbekiston Respublikasi ijtimoiy-iqtisodiy gazetasi

2020 йил — Илм-маърифат ва рақамли иқтисодиётни ривожлантириш йили

1974-yil 1-yanvardan chiqa boshlagan | 2020-yil 30-yanvar, payshanba 5 (9042)-son | web sayt: www.qishloqhayoti.uz

Ўзбекистон Республикаси Президентининг
ҚАРОРИ

ЧОРВАЧИЛИК ТАРМОҒИНИ ДАВЛАТ ТОМОНИДАН ҚЎЛЛАБ-ҚУВВАТЛАШНИНГ ҚЎШИМЧА ЧОРА-ТАДБИРЛАРИ ТЎҒРИСИДА

Чорвачилик тармоғини жадал ривожлантириш, замонавий ва инновацион услубларни жорий этиш, маҳсулотлар ишлаб чиқариш ҳажмини ошириш ва турларини кенгайтириш, шунингдек, аҳолини маҳаллий шароитда ишлаб чиқарилган сифатли ва арзон чорва маҳсулотлари билан узлуксиз таъминлаш ҳамда чорвачиликка ихтисослашган корхоналарни давлат томонидан қўллаб-қувватлаш мақсадида:

1. Ўзбекистон Республикаси Ветеринария ва чорвачиликни ривожлантириш давлат қўмитаси, Қишлоқ хўжалиги вазирлиги, Иқтисодиёт ва саноат вазирлиги, "Паррандасаноат" уюшмаси, "Ўзбекбалиқсаноат" уюшмаси, Республика "Қоракўлчилик" уюшмаси ва "Ўзбекистон асаларичилари" уюшмасининг **Чорвачилик ва унинг тармоқларини ривожлантириш Республика кенгашини** (кейинги ўринларда – Республика кенгаши) ташкил этиш тўғрисидаги таклифи маъқуллансин ҳамда Республика кенгаши таркиби 1-иловага мувофиқ тасдиқлансин.

Республика кенгашининг асосий вазифалари этиб қуйидагилар белгилансин:

чорвачилик соҳасида давлат ва хўжалик бошқаруви органлари, маҳаллий давлат ҳокимияти органлари, чорвачилик маҳсулотларини қайта ишлаш саноати корхоналари ҳамда чорвачилик фаолияти билан шуғулланувчи **тадбиркорлик субъектларининг ўзаро ҳамкорлигини таъминлаш**;

чорвачиликнинг барча тармоқлари ва наслчилик соҳасини ривожлантириш билан боғлиқ масалаларни мунтазам равишда муҳокама қилиб бориш ҳамда бу борадаги мавжуд муаммоларни ҳал қилишга қаратилган чора-тадбирларни белгилаш;

чорвачилик соҳасида давлат ва хўжалик бошқаруви органлари ҳамда маҳаллий давлат ҳокимияти органлари раҳбарларининг чорвачилик тармоқларини **барқарор ривожлантириш бўйича** белгиланган вазифалар ижроси тўғрисидаги **ҳисоботларини** ҳамда **чорвачилик бўйича инвестиция лойиҳаларининг амалга оширилиши юзасидан ахборотларини мунтазам тинглаш**;

чорвачилик ва наслчилик соҳасини давлат томонидан қўллаб-қувватлаш, маҳсулдорликни ошириш ва озуқабоп экинлар уруғчилигини ривожлантириш бўйича чора-тадбирларни ишлаб чиқиш;

чорвачилик хўжаликларига ажратилган ер майдонларидан самарали фойдаланиш ҳолати таҳлил қилинишини ташкил этиш ҳамда чорва бош сонидан келиб чиқиб, мутаносиб равишда экин ерлари ажратилишини назорат қилиш;

чорвачиликнинг барча тармоқлари фаолиятини илмий асосда ташкил этиш, илмий-тадқиқот натижалари ва инновацион ишланмаларни маҳсулот ишлаб чиқариш ва наслчилик-селекция амалиётига жорий этиш ишларини йўлга қўйиш;

чорвачилик маҳсулотларини қайта ишлаш соҳасини ривожлантириш, жумладан, **янги қувватларни ишга тушириш ва маҳсулотлар турларини кенгайтириш** билан боғлиқ масалаларни ҳал этиш;

кадрларни тизимли тайёрлаш, уларнинг малакасини ошириш ва қайта тайёрлашни ташкил этиш.

2. Ўзбекистон Республикаси Ветеринария ва чорвачиликни ривожлантириш давлат қўмитаси ҳамда Иқтисодиёт ва саноат вазирлигининг қуйидаги таклифларига розилик берилсин:

а) Тадбиркорлик фаолиятини қўллаб-қувватлаш давлат жамғармаси (кейинги ўринларда – Жамғарма) ҳисобидан чорвачилик, паррандачилик, балиқчилик ва қуёнчилик бўйича, шу жумладан, чорва комплексларини қуриш, йирик ва майда шохли наслдор чорва молларини харид қилиш, чорва маҳсулотларини етиштириш ва қайта ишлаш бўйича лойиҳаларини амалга ошириш учун тижорат банклари томонидан ажратиладиган **20 миллиард сўмгача миқдордаги кредитлар бўйича фоиз ставкасининг** Ўзбекистон Республикаси Марказий банкининг асосий ставкасидан ошадиган, **лекин 8 фоиз пунктидан кўп бўлмаган қисмига** компенсация ёки кредит суммасининг **50 фоизи миқдорида** кафиллик тақдим этиш;

(Давоми 2-саҳифада)

Фарғона вилояти

Ёшлар 50 гектар ерда узумчилик кластери ташкил этади

ОЛТИАРИҚЛИК ЁШЛАРГА УЗУМЧИЛИК КЛАСТЕРИ ТАШКИЛ ЭТИШ УЧУН 50 ГЕКТАР ЕР ВА 2,5 МИЛЛИАРД СЎМ МАБЛАҒ АЖРАТИЛАДИ.

Яқинда Фарғона вилояти ҳокими Шуҳрат Ғаниев Олтиариқ туманида фаол, шижоатли, ташаббускор ёшлар билан учрашди. Учрашув ноанъанавий тарзда, янги ташкил этилаётган узумзорлар майдонида ўтказилди. Ушбу узумзор "Файз бинокор" фермер хўжалиги томонидан барпо этилган бўлиб, тадбир иштирокчилари соҳибкорларнинг меҳнати самарасини ўз кўзлари билан кўрди.

Вилоят ҳокими боғдорчиликка ҳавасманд ёшлар билан узумчилик ривожи, ҳосилдорликни ошириш услублари ва табиийки, ташқи бозор масаласида фикр алмашди. Шундан сўнг иштирокчилар янги ташкил этилаётган 15 гектарлик майдонга ток кўчатлари экдилар.

Маълумки, бу йил Олтиариқда Президентимиз тавсияси билан 3 минг гектар янги узумзорлар ташкил этилиши лозим. Бу ишда ёшлар фаол қатнашиш истагида эканини билдирдилар.

– Боғдорчилик маҳсулотлари етиштириш ҳамда тумандаги узумчилик кластерлари таркибида 1 гектар ер майдони ажратишга кўмаклашсангиз, – деб мурожаат қилди ёш боғбон Абдулборий Холматов. – Уста боғбонлардан олган тажрибага таяниб, узумзор яратиш ниятим бор.

Ёш боғбоннинг таклифи вилоят ҳокими томонидан қўллаб-қувватланди. Унга ва у каби ёшларни бириктирган Ёшлар иттифоқи туман бўлимига узумчилик кластери ташкил этиш учун 50 гектар ер майдони ҳамда 2,5 миллиард сўм миқдорида дастлабки маблағ ажратиладиган бўлди.

Муқимжон ҚОДИРОВ (ЎзА) олган сурат.

Самарқанд вилояти

Унинг набиралари ва чевараларидан эллик нафари олий маълумотли

Қўшработ туманининг Пангат қишлоғида яшаб ўтган Ялғаш Қаҳрамонов билан суҳбат қурган киши унинг илмли, фан тармоқларининг турли жабҳаларидан хабардор инсон эканлигини бирданига сезарди. Олий маълумотли биологлиги ёки табиатан кузатувчан бўлганлигиданми, йилнинг тўрт фаслида аниқ режа асосида чорвачилик, деҳқончилик, боғдорчилик ишларини олиб борардилар.

Ялғаш Қаҳрамонов умр йўлдоши Назбуви Қаҳрамонова билан ўн нафар фарзандни олий маълумотли қилиб тарбияладилар. У кўп йиллар давомида Пангат қишлоғининг 40-умумтаълим мактабида биология фанидан ўғил-қизларга таълим берди.

Ялғаш Қаҳрамонов ўқиш, илм олиш мураккаб бўлган ёшлик даврида фанни мустақил ўқиб, ўзлаштириб, олий маълумотли бўлди. Унинг Хидирбой Жангиров, Амир Жабборов, Шукурилло Нарзуллаев, Улуғбой Хўжанафасов, Темур Умурзоқов, Пўлат Ўрозов, Бектемир Ўрозов, Шодиқул Тўлаганов, Толлибой Янгибоев, Суюнбой Ширинбоев сингари издошлари ҳам фанларни фақат мавжуд адабиётлар асосида мустақил ўзлаштириш мумкинлигини амалда кўрсатишган. Бу иқтидор эгалари қишлоқда кўп йиллар давомида ўқитувчилик қилиб, ёшлар қалбига илм зиёсини таратиб келишган. Улар сиймосида чин инсонийлик, фанга фидойилик, инсон иродаси, инсониятнинг табиат билан уйғун эканлиги, табиатни севиш, уни асраш кераклиги, илм фанни эгаллаш билан бирга унинг амалий татбиқини амалга оширишдек қобилиятни кўриш мумкин.

Шундай зиёлиларнинг шогирдлари бугунги кунда турли соҳаларда меҳнат қилиб келмоқда. Улар орасида фан доктори, профессор ва фан номзодлари мавжуд. Ҳар йили ушбу мактабни тамомлаган ёшлардан камида ўн беш-йигирма нафари олий маълумотли бўлишга муяссар бўлади. Албатта, пангатлик ёшлар таълим берган устозларини унутмайди.

Ялғаш Қаҳрамонов фарзандларининг барчасини олий маълумотли қилиб ўстирди, илмли қилиб тарбиялади. Бунинг ҳисобига оиласида илмий муҳит ярата олди. Бунинг давоми сифатида набиралари ва чевараларидан эллик нафари олий маълумотли бўлишга эришган. Инсон яхши ният қилса, ниятига етади. Қаҳрамонимизнинг фарзандлари ва набираларига қилган ўгиту насиҳатларидан асосан, ўқиб-ўрганиш, илм-фанга ошно бўлишлик ўрин олгани ҳам фикримизга далил бўлади.

Зокир ҲАЙИТОВ

Жиззах вилояти

Кейинги пайтларда истеъмолчиларнинг коммунал тўловларни ўз вақтида тўлашида жонланиш кузатилмоқда.

Фойдалан, аммо ҳақкини ўз вақтида тўла!

Бироқ ҳамммани ҳам тўлов борасида масъулиятли, деб бўлмайди. Акс ҳолда Жиззах вилоятининг Янгиобод тумани прокуратураси "Жиззах ҳудудий электр тармоқлари корхонаси" акциядорлик жамияти манфаатини кўзлаб, судга даъво аризаси киритмасди. Аризанинг мазмуни шундан иборатки, "Диёрбек Шоҳрухбек" фермер хўжалиги номи юқорида зикр қилинган ташкилотдан электр энергияси тўлови учун 22 миллион 799 минг 915 сўм қарздор бўлиб қолган.

Суд ишдаги мавжуд далилларга ҳуқуқий баҳо бериб, ишда иштирок этувчи шахслар вакилининг суддаги тушунтиришини тинглаб, даъво аризасини тўлиқ қаноатлантиришни лозим деб топган.

Иш ҳужжатлари ва суд мажлисида аниқланган ҳолатлардан маълум бўлишича, даъвогар ва жавобгар ўртасида 2019 йилда электр энергияси таъминоти шартномаси тузилган. Ушбу шартномага асосан, жавобгарга электр энергияси етказиб берилган бўлсада, жавобгар тўловни ўз вақтида амалга оширмаган.

Зомин туманлараро иқтисодий судининг 2019 йил 27 сентябрдаги ҳал қилув қарори билан даъво аризаси тўлиқ қаноатлантирилиб, "Диёрбек Шоҳрухбек" фермер хўжалигидан "Жиззах электр тармоқлари" акциядорлик жамияти фойдасига 22 миллион 799 минг 915 сўм қарз ва 17 минг 840 сўм почта харажати ундириш белгиланиб, суд харажатлари ҳам жавобгар зиммасига юкланган. Натижада иқтисодий суднинг ҳал қилув қарори жавобгар томонидан тўлиқ ижро қилиниб, даъвогарнинг ҳуқуқий манфаати қонуний ҳимоя қилинди.

Машраб ЗИЯМИТДИНОВ,
Зомин туманлараро иқтисодий суди раиси.

Маҳалламизда 5 та муҳим ташаббус доирасида ёшларга эътиборни кучайтириш, ёш авлодни маданият, санъат, жисмоний тарбия ва спортга кенг жалб этиш, уларда ахборот технологияларидан тўғри фойдаланиш кўникмасини шакллантириш, ёшлар ўртасида китобхонликни тарғиб қилиш, хотин-қизлар бандлигини таъминлаш бўйича салмоқли ишлар қилинди.

"Тонг"имиз ёшлари ҳамиша фаол

Ёшлар билан ишлашни янги услубда, яъни, уларни табаррук қадамжолар билан таништириш ҳамда муқаддас қадамжоларни асрашни ўргатиш каби саъй-ҳаракатлар қилинмоқда.

Маҳалла ёшларининг қизиқишларини инобатга олган ҳолда, 255-умумтаълим мактаби ўқитувчилари билан ҳамкорликда ўқувчилар билан инновацион технологиялар бўйича иш олиб борилмоқда. Айни вақтда маҳалла биносида 650 яқин китобга мўлжалланган кутубхона хизмат кўрсатмоқда.

"Менинг обод маҳаллам" шиори остида маҳалла ёшларининг ташаббуси билан ташкил этилган ҳашарда ёшлар фаол иштирок этди.

Маҳалламиз қошида таниқли режиссёр И.Расулов бошчилигида ёш кинорежиссёрлар, овоз ёзиш операторлари ва ёшлар тўгараги ишга туширилди.

Ш.АЛИМОВА,
Тошкент шаҳри Яшнаобод тумани "Тонг" маҳалла фуқаролар йиғини раиси.

Фермер ўз маҳсулотини ўзи сотса...

ФАОЛИЯТНИНГ МОҲИЯТИ ШУНДА ЭМАСМИ?

Муҳтарам Президентимиз Шавкат Мирзиёевнинг Олий Мажлис палаталарига Мурожаатномасини тинглар эканман, барчамизнинг айни дилимиздаги сўзлар айтилганидан беихтиёр қувониб кетдим.

Мен қишлоқ хўжалиги соҳаси вакили бўлганим ва қолаверса, йигирма беш йилдан буён шу соҳада фаолият кўрсатиб келганим боис, соҳанинг заҳматлари ва қийинчиликларини яхши биламан. Айниқса, қишлоқ шароитида ишлаб, юқори даромадга эришиш осон эмас. Президентимиз Мурожаатномада иқтисодиётимиз ривожини, аҳоли бандлиги ва даромадлари ўсишини таъминлайдиган энг муҳим соҳалардан бири бўлган қишлоқ хўжалигини стратегик ёндашувлар асосида тараққий эттириш зарурлигини баён қилдилар. Пахта ва ғалла етиштиришга давлат буюртмасини бекор қилиб, ушбу маҳсулотларни бозор тамойиллари асосида харид қилиш тизимига босқичма-босқич ўтиш, фермер ва деҳқонларимизга маҳсулот етиштиришда эркинлик бериш, соҳанинг бошқа тармоқларига ҳам арзон кредитлар ажратиш ҳақидаги таклифлари ҳаётий заруратдир. Бу бизнинг энг оғриқли нуқталаримиздан эди.

Давлатимиз раҳбарининг камбағаллик, аҳоли даромади, янги иш ўринларини яратиш, янги лойиҳаларни ҳаётга татбиқ этилаётгани хусусидаги фикрларини эшитиб, кўз олдимга чекка қишлоқларда яшаётган ҳамюртларимиз келди. Очиғи, чекка ҳудудларда етарли иш ўринлари йўқлиги сабаб ҳам эҳтиёжманд оилалар сони бир мунча кўп. Юртбошимиз одамлар нима билан шуғулланиши кераклиги ўрганилиб, иш усулини ўргатиб, даромади кам аҳоли дунёқарашини ўзгартириб, унга мос кредит бериш тажрибаси қўлланилгани ва бу ўзининг ижобий самарасини бераётганлигини алоҳида таъкидлаб ўтдилар. Ушбу амалиёт кенг жорий этилса, бу тоифадаги ҳамюртларимизнинг турмуш тарзи тубдан ўзгаришига шак-шубҳа йўқ.

2020 йил мамлакатимизда "Илм-маърифат ва рақамли иқтисодиётни ривожлантириш йили", деб эълон қилинди. Умид қиламизки, бу йил мамлакатимиз ҳаётида туб бурилиш ва юксак тараққиёт йили бўлади.

Барно МИРЗАМОВА,
Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси депутати.

Тараққиёт учун бор тажрибамиз, илмимизни сарфлаймиз

Жорий йилнинг Президентимиз томонидан "Илм-маърифат ва рақамли иқтисодиётни ривожлантириш йили", деб эълон қилингани биз, олимларни беҳад хурсанд қилди. Кейинги уч йилликни ҳеч муболағасиз илм истиқболига йўл очган йиллар бўлди, деб айтиш мумкин.

Зеро, бу йиллар ичида академиклар билан катта давраларда суҳбатлар ташкил этилди. Мамлакатимизда илмий-тадқиқотларни янада ривожлантириш, илмий муассасаларнинг моддий-техника базасини мустаҳкамлаш, олимлар меҳнатини рағбатлантириш каби бир-биридан долзарб масалаларнинг ечимлари топилди. 2019 йилда қабул қилинган "Илм-фан ва илмий фаолият тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни эса илмий тадқиқотларни ташкил этиш ва илмий ишларни бажаришда олимларга дастуриламал бўлиб хизмат қилади.

Мурожаатномада қайд этилган озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлаш бу янги қишлоқ хўжалиги экинларининг навлари, уларни парваришлашнинг ресурс тежамкор технологиялари, уларга ишлов беришдаги самарали машиналар тизими, мавжуд ер-сув ресурсларидан оқилона фойдаланишни, нафақат фермерлар бутун қишлоқ хўжалиги ходимларининг билим ва кўникмаларига боғлиқ эканлиги ҳеч кимга сир эмас. Шундай экан, биз, олим ва мутахассислар бу йўлда бор тажрибамизни, илмимизни аямасдан сарфлашга тайёрмиз.

Муҳаммаджон ТОШБОЛТАЕВ,
Қишлоқ хўжалигини механизациялаш илмий-тадқиқот институти директори ўринбосари, техника фанлари доктори, профессор.

ДИҚҚАТ ЭЪЛОН!

Ўзбекистон Экологик партиясида "Ишонч телефони" мунтазам фаолият кўрсатмоқда. Ҳурматли юртдошлар!

Сиз яшаш ва иш жойингиздаги экологик муаммолар ва атроф муҳитга оид қонунбузарликлар ҳақида **(71) 208-36-09** "Ишонч телефони"га шанба ва якшанбадан ташқари ҳар куни эрталаб соат 9:00 дан 18:00 гача мурожаат қилишингиз мумкин.

Пахта-тўқимачилик кластерлари ва пахтачилик-ғаллачилик йўналишидаги фермер хўжаликлари экин майдонининг 10 фоизига беда экилади

Сифатли маҳсулот ишлаб чиқарилса
Қимматбаҳо импортга ҳужжат қолмайди

Ўзбекистон Республикаси Президентининг
ҚАРОРИ

ЧОРВАЧИЛИК ТАРМОҒИНИ ДАВЛАТ ТОМОНИДАН ҚЎЛЛАБ-ҚУВВАТЛАШНИНГ ҚЎШИМЧА ЧОРА-ТАДБИРЛАРИ ТЎҒРИСИДА

(Боши 1-саҳифада)

б) Жамғарма томонидан кичик бизнес ва тадбиркорлик субъектларига эквиваленти **20 миллиард сўмдан ошмайдиган хорижий валютадаги кредитлар** учун тижорат банклари томонидан белгиланган фоиз ставкасининг **40 фоизигача, лекин 4 фоиз пунктидан** кўп бўлмаган миқдорда тижорат банкларининг кредитлари бўйича фоиз харажатларини қоплаш учун компенсация тақдим этиш.

Белгилаб қўйилсинки, ушбу банд талаблари тижорат банкларининг кредитлари бўйича фоиз харажатларини қоплаш учун Жамғарма томонидан тақдим этиладиган кафилликлар ва компенсацияларнинг Ўзбекистон Республикаси Президентининг аввал қабул қилинган ҳужжатлари ва Ҳукумат қарорлари билан тасдиқланган шартларига татбиқ этилмайди.

3. Шундай тартиб ўрнатилсинки, унга мувофиқ 2020-2022 йилларда:

а) чорвачилик маҳсулотлари етиштирувчи хўжаликларга давлат томонидан қуйидаги тартибда субсидия ажратилади:

республика ҳудудида фаолият юритаётган наслчилик хўжаликларидан сотиб олинган наслдор қорамолнинг ҳар бир бошига **1 миллион сўм** миқдорида;

хорижий давлатлардан импорт қилинган наслдор қорамолнинг ҳар бир бошига **2 миллион сўм**, наслдор қўй ва эчкининг ҳар бир бошига **400 минг сўм** миқдорида;

б) "Ўзбекбалиқсаноат" уюшмасига аъзо бўлган интенсив усулда балиқ етиштирувчи хўжаликларга давлат томонидан қуйидаги тартибда субсидия ажратилади:

интенсив усулда етиштирилган бир тонна балиқ маҳсулоти учун **1 миллион сўм** миқдорида;

Ўзбекистон Республикаси ҳудудига импорт қилинган **1 дона наслдор она балиқнинг 3,5 миллион сўмгача бўлган** харажатларининг **50 фоизи** миқдорида;

в) "Паррандасаноат" уюшмасига аъзо бўлган паррандачилик хўжаликларига ҳар бир бош **1 кунлик наслдор жўжани импорт қилиш** билан боғлиқ харажатларнинг **9 минг сўм**ини қоплаш учун давлат томонидан субсидия ажратилади.

4. 2020 йилда сотиб олинадиган наслдор:

а) қорамоллар учун ажратиладиган субсидиянинг умумий суммаси:

республика ҳудудида фаолият юритаётган наслчилик хўжаликларидан сотиб олиш учун **10 миллиард сўм** миқдорида;

хорижий давлатлардан импорт қилиш учун **40 миллиард сўм** миқдорида;

б) қўй ва эчкиларни импорт қилиш учун ажратиладиган субсидиянинг умумий суммаси **6 миллиард сўм** миқдорида белгилансин.

5. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги чорвачилик маҳсулотлари етиштирувчи хўжаликларга, интенсив усулда балиқ етиштирувчи ва паррандачилик хўжаликиларга субсидия бериш харажатларини 2020 йилда Ўзбекистон Республикаси республика бюджетида Ўзбекистон Республикаси Президенти топшириқларига мувофиқ ҳудудларни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш бўйича харажатлар учун кўзда тутилган маблағлар ҳисобидан қопланишини таъминласин ва 2021-2022 йилларда Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджети параметрларида тегишли маблағ ажратилишини назарда тутсин.

6. Ўзбекистон Республикаси Ветеринария ва чорвачиликни ривожлантириш давлат қўмитаси ҳамда Қишлоқ хўжалиги вазирлиги:

а) чорвачилик соҳасини ривожлантириш стратегиясини, шу жумладан, соҳани давлат томонидан қўллаб-қувватлаш йўналишларини ишлаб чиқиш учун мустақил консалтинг компанияларини ўрнатилган тартибда жалб қилган ҳолда таклифлар ишлаб чиқсин ва **2020 йил 1 июлга қадар** Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрациясига кўриб чиқиш учун киритсин.

Бунда мустақил консалтинг компанияларини жалб қилиш билан боғлиқ харажатлар Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси захира жамғармасидан қоплансин;

б) Молия вазирлиги, Иқтисодиёт ва саноат вазирлиги, Давлат божхона қўмитаси, "Ўзбекбалиқсаноат" уюшмаси ва "Паррандасаноат" уюшмаси билан биргаликда ўн беш кун муддатда мазкур қарорнинг 3-бандида белгиланган чорвачилик маҳсулотлари етиштирувчи хўжаликларга, интенсив усулда балиқ етиштирувчи ва паррандачилик хўжаликларига Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджети маблағлари ҳисобидан субсидия бериш тартибларини ишлаб чиқсин ва Вазирлар Маҳкамасига киритсин. Бунда субсидия бериш "Ўзбекчорванасл" агентлиги томонидан амалга оширилади.

7. Ўзбекистон Республикаси Ветеринария ва чорвачиликни ривожлантириш давлат қўмитаси чорвачилик соҳасини ривожлантириш стратегиясига асосланган ҳолда **2020 йил 1 июлга** қадар 2021-2022 йилларда республикада фаолият юритаётган наслчилик хўжаликлари томонидан сотиладиган ва импорт қилинадиган наслдор қорамоллар, қўй ва эчкилар ҳамда жўжалар сонидан келиб чиқиб, ажратилиши керак бўлган субсидия ҳисоб-китобини Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджети параметрларини шакллантиришда инобатга олиш учун Молия вазирлигига киритсин.

8. Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ хўжалиги вазирлиги ҳузуридаги Агросаноат мажмуи ва озиқ-овқат таъминоти соҳасидаги лойиҳаларни амалга ошириш агентлиги Ветеринария ва чорвачиликни ривожлантириш давлат қўмитаси билан биргаликда чорвачилик соҳасида амалга ошириладиган инвестиция лойиҳалари ва чора-тадбирларга Осиё тараққиёт банкининг чорвачиликни ривожлантириш учун **150,0 миллион АҚШ доллари** миқдоридаги кредит маблағлари йўналтирилишини таъминласин.

9. Ўзбекистон Республикаси Ветеринария ва чорвачиликни ривожлантириш давлат қўмитаси "Ўзбекбалиқсаноат" уюшмаси билан биргаликда 2020 йил 1 майга қадар сунъий сув ҳавзаларининг ҳосилдорлигидан келиб чиқиб, ушбу майдонларга ер солиғининг табақалаштирилган ставкаларини қўллаш бўйича асосланган таклифларини Молия вазирлигига киритсин.

Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги киритилган таклифлар асосида ер солиғининг табақалаштирилган ставкаларини қўллашни 2021 йил бюджети лойиҳасини тайёрлашда инобатга олсин.

10. Ўзбекистон Республикаси Ер ресурслари, геодезия, картография ва давлат кадастри давлат қўмитаси "Ўзбекбалиқсаноат" уюшмаси билан биргаликда 2020 йил 1 июнга қадар балиқ етиштирувчи хўжаликларга бириктирилган сунъий ва табиий сув ҳавзаларининг кадастр ҳужжатларини "Ўздаверлойиҳа" институти билан ўзаро шартнома асосида расмийлаштирилишини таъминласин.

11. Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ҳокимликлари:

а) **2020 йилда яйловлар** ҳамда **Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 17 июндаги "Қишлоқ хўжалигида ер ва сув ресурсларидан самарали фойдаланиш чора-тадбирлари тўғрисида"ги ПФ–5742-сон Фармонида назарда тутилган қишлоқ хўжалигида фойдаланилмаётган суғориладиган ерларни фойдаланишга киритиш ҳисобидан озуқабоп экинларни етиштиришни йўлга қўйиш** учун чорвачилик хўжаликларига ажратиб берилишини таъминласин;

б) Ўзбекистон Республикаси Ветеринария ва чорвачиликни ривожлантириш давлат қўмитаси ҳамда Ер ресурслари, геодезия, картография ва давлат кадастри давлат қўмитаси билан биргаликда **пахта-тўқимачилик кластерлари ва пахтачилик-ғаллачилик йўналишидаги фермер хўжаликлари экин майдонининг 10 фоизига** беда экилишини таъминласин.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Агросаноат мажмуи устидан назорат қилиш инспекцияси Ер ресурслари, геодезия, картография ва давлат кадастри давлат қўмитаси ҳамда Ветеринария ва чорвачиликни ривожлантириш давлат қўмитаси билан биргаликда ушбу топшириқ ижроси юзасидан Республика кенгашига 2020 йил 1 майга қадар ахборот киритсин.

12. Республика кенгаши Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши ва вилоятлар ҳокимликлари томонидан чорвачилик, шу жумладан, паррандачилик хўжаликларига озуқабоп экинлар экиш учун чорва моллари ва парранда бош сонига мутаносиб равишда экин ерлари ажратилишини доимий равишда назорат қилиб борсин.

13. Ўзбекистон Республикаси Ветеринария ва чорвачиликни ривожлантириш давлат қўмитаси:

Самарқанд ветеринария медицинаси институти ҳузуридаги Кадрларни қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш маркази ходимларини жалб қилган ҳолда жойларда сут соғувчиларни тайёрлаш ҳамда малакасини ошириш бўйича қисқа муддатли ўқув курсларини ташкил этсин;

Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, Андижон, Жиззах, Навоий, Сурхондарё, Қашқадарё вилоятлари ҳокимликлари ва "Паррандасаноат" уюшмаси билан биргаликда паррандаларнинг юқори маҳсулдор зотлари ва кроссларини урчитиш билан шуғулланувчи гўшт йўналишидаги II тартибли репродуктор наслчилик паррандачилик корхоналари фаолиятини йўлга қўйсин.

14. Ўзбекистон Республикаси Транспорт вазирлиги ва "Uzbekistan Airways" АЖнинг 2022 йил 1 январга қадар "Паррандасаноат" уюшмаси таркибидаги паррандачилик корхоналарига ўзи ишлаб чиқарган тухум ва гўшт маҳсулотларини экспорт қилишда, наслдор инкубацион тухум ва наслдор бир кунлик жўжаларни, вакцина, ветеринария дори воситаларини импорт қилишда, истисно тариқасида, амалдаги ҳаво транспортида ташиш тарифларига нисбатан 20 фоизлик чегирма бериш тўғрисидаги таклифи маъқуллансин.

15. Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ хўжалиги вазирлиги Ветеринария ва чорвачиликни ривожлантириш давлат қўмитаси, Сув хўжалиги вазирлиги, Ер ресурслари, геодезия, картография ва давлат кадастри давлат қўмитаси билан биргаликда бир ой муддатда озуқа экин майдонларидан келиб чиққан ҳолда 2020-2022 йиллар учун озуқабоп экинлар уруғчилигини ривожлантириш дастурини ишлаб чиқсин ва тасдиқлаш учун Вазирлар Маҳкамасига киритсин.

16. Тошкент вилояти ҳокимлиги:

10 кун муддатда Ўзбекистон Республикаси Ветеринария ва чорвачиликни ривожлантириш давлат қўмитаси ҳузуридаги Самарқанд ветеринария медицинаси институтининг Тошкент филиалига ўқув-тажриба участкаси учун Янгийўл тумани ҳудудидан 30 гектар;

бир ой муддатда "Ўзбекчорванасл" агентлиги ҳузуридаги "Ўзнаслчилик" давлат корхонасидаги наслдор буқаларни озиқлантириш учун озуқабоп экинлар экишга Қибрай, Юқоричирчиқ ва Ўртачирчиқ туманлари ҳудудидан 80 гектар суғориладиган ер майдони ажратилишини таъминласин.

17. "Паррандасаноат" уюшмаси Ўзбекистон Республикаси Ветеринария ва чорвачиликни ривожлантириш давлат қўмитасига тегишли бўлган Тошкент шаҳар, Олмазор тумани, Жомий кўчаси, 5-уй манзилида жойлашган бино ва иншоотларда бепул фойдаланиш ҳуқуқи асосида жойлаштирилсин.

18. Белгилансинки, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 6 ноябрдаги "Балиқчилик соҳасини янада ривожлантиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги ПҚ–4005-сон қарори 5-бандида белгиланган компенсация бериш тартиби лизинг ташкилотларига нисбатан ҳам татбиқ этилади.

19. Ўзбекистон Республикаси Президентининг ва Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг айрим ҳужжатларига 2-иловага мувофиқ ўзгартиришлар киритилсин.

20. Мазкур қарор ижроси юзасидан қуйидагилар:

Ўзбекистон Республикаси Бош вазири ўринбосари Ж.А.Қўчқоров – мазкур қарорда белгиланган чорвачилик маҳсулотлари етиштирувчи хўжаликларга, интенсив усулда балиқ етиштирувчи ва паррандачилик хўжаликларига Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджети маблағлари ҳисобидан субсидиялар ажратилишини таъминласин;

Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг аграр ва озиқ-овқат соҳаларини ривожлантириш масалалари бўйича маслаҳатчиси А.Д.Вахабов – чорва хўжаликларига ер майдонларини ажратишни таъминласин, мазкур қарорда белгиланган чора-тадбирларни амалга ошириш юзасидан масъул вазирлик, идора ва ташкилотлар фаолиятини самарали **ташкил қилсин, ҳар ойда уларнинг бажарган ишлари тўғрисидаги ҳисоботларини эшитсин** ҳамда аниқланган камчиликларни ўз вақтида бартараф этсин;

Ўзбекистон Республикаси Ветеринария ва чорвачиликни ривожлантириш давлат қўмитаси раиси Б.Т.Норкобилов – чорвачиликнинг барча тармоқларини, шу жумладан, қорамолчилик, қўйчилик, паррандачилик, балиқчилик ва қуёнчилик йўналишидаги инвестиция лойиҳалари амалга оширилишини ҳамда ажратилаётган субсидия маблағларидан самарали фойдаланилишини таъминласин, чорвачилик хўжаликларига маҳсулдорликни оширишга кўмаклашсин, наслчилик-селекция ишларини мувофиқлаштирсин;

Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши Раиси ва вилоятлар ҳокимлари – чорвачиликнинг барча тармоқлари, шу жумладан, қорамолчилик, қўйчилик, паррандачилик, балиқчилик ва қуёнчилик йўналишида лойиҳаларни амалга оширадиган ташаббускорларга ҳар томонлама амалий ёрдам кўрсатсин ҳамда қонунчиликда белгиланган меъёрлар асосида ер майдонларини ўз вақтида ажратсин;

Ўзбекистон Миллий ахборот агентлиги бош директори А.К.Кўчимов ҳамда Ўзбекистон Миллий телерадиокомпанияси раиси вазифасини бажарувчи А.Д.Ҳаджаев – мазкур қарорнинг **мазмун-моҳияти** ва амалий аҳамиятини ёритишга оид **мақолалар, брифинглар, пресс-конференциялар, тематик телекўрсатувлар ташкил этсинлар**.

Ўзбекистон Республикаси Президенти **Ш.МИРЗИЁЕВ**

Тошкент шаҳри,
2020 йил 29 январь

САРҲИСОБ ВА ИСТИҚБОЛ

Ёғ-мой саноати юксалиш босқичида

ҲОЗИРГИ КУНДА ЮРТИМИЗДА ИККИ ЮЗДАН ЗИЁД ЙИРИК ВА КИЧИК ЁҒ-МОЙ КОРХОНАЛАРИ МАВЖУД БЎЛИБ, УЛАР ТОМОНИДАН 60 ТУРДАГИ ВА ИККИ ЮЗДАН ОРТИҚ АССОРТИМЕНТДАГИ ЁҒ-МОЙ МАҲСУЛОТЛАРИ ИШЛАБ ЧИҚАРИЛМОҚДА.

Ёғ-мой корхоналарини ҳар томонлама ривожлантириш, янги замонавий технологиялар билан жиҳозлаш ва соҳада ягона сиёсат юритилишини таъминлаш мақсадида Президентимизнинг 2019 йил 16 январда "Ёғ-мой тармоғини янада ривожлантириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар ва соҳани бошқаришда бозор механизмларини жорий этиш тўғрисида"ги қарори қабул қилинган бўлиб, мазкур қарорга асосан, Ўзбекистон Республикаси ёғ-мой саноати корхоналари уюшмаси ташкил этилган.

Ойбек ЗУФАРОВ,
"Ўзёғмойсаноат" уюшмаси
Бошқаруви раиси.

Уюшма корхоналарида ISO 9001 ва ISO 22000 халқаро сифат стандартлари жорий этилган бўлиб, ишлаб чиқарилаётган маҳсулотлар UZTR 520-023:2017 "Ёғ-мой маҳсулотлари хавфсизлиги тўғрисида"ги техник регламент талабларига тўлиқ жавоб беради. Мойли хом ашёларни қайта ишлаш, ёғ-мой маҳсулотларини ишлаб чиқаришга ихтисослашган корхоналарни ягона комплексга бирлаштириш, тармоқни ривожлантиришнинг ўрта ва узоқ муддатли дастурларини ишлаб чиқиш ҳамда уни амалга ошириш, ички бозорни сифатли, нарх бўйича рақобатдош ёғ-мой маҳсулотлари билан таъминлаш, ёғ-мой соҳасида фаол инвестиция сиёсатини юритиш, инвестицияларни, шу жумладан, тўғридан-тўғри хорижий инвестицияларни кенг жалб этиш, ишлаб чиқаришни модернизациялаш ҳамда техник қайта жиҳозлаш мавжуд муаммоларни таҳлил қилиш ва уларни бартараф этиш уюшма фаолиятининг асосий йўналишлари ҳисобланади. Ушбу вазифалар ижросини таъминлаш мақсадида ўтган йили муайян ишлар амалга оширилди. Уюшмага аъзо корхоналар сони 2019 йилнинг 1 мартида 30 тани ташкил қилган бўлса, бугунга келиб уларнинг сони 80 тага етказилди. 3 триллион 25 миллиард сўм миқдорида саноат маҳсулотлари ишлаб чиқарилди ва ўсиш суръати 106,5 фоизни ташкил қилди. Инвестиция дастури доирасида 25 та лойиҳа бўйича 16,6 миллион долларлик сармоя ўзлаштирилиб, прогноз 125 фоизга таъминланди, шундан, 10 та лойиҳа бўйича 6,6 миллион долларлик тўғридан-тўғри хорижий инвестициялар жалб қилиниб, бу борадаги прогноз 139 фоизга бажарилди. Маҳсулот ишлаб чиқаришни маҳаллийлаштириш дастурига мувофиқ 6 та лойиҳа бўйича 119,6 миллиард сўмлик маҳсулот ишлаб чиқарилди ва 12,5 миллион АҚШ доллари миқдорида импорт ўрни қопланди.

Шуни алоҳида таъкидлаш керакки, Самарқанд вилоятининг Оқдарё туманида жойлашган уюшма таркибидаги "Юнусжон аҳли" МЧЖ томонидан соя уни, оқсил изоляти ишлаб чиқариш лойиҳаси амалга оширилди. Йилига қарийб 30 минг тонна соя донини қайта ишлаш қувватига эга бўлган мазкур корхона дунёдаги етакчи компанияларда ишлаб чиқарилган замонавий ускуналар билан жиҳозланди.

Шуни алоҳида таъкидлаш керакки, Самарқанд вилоятининг Оқдарё туманида жойлашган уюшма таркибидаги "Юнусжон аҳли" МЧЖ томонидан соя уни, оқсил изоляти ишлаб чиқариш лойиҳаси амалга оширилди. Йилига қарийб 30 минг тонна соя донини қайта ишлаш қувватига эга бўлган мазкур корхона дунёдаги етакчи компанияларда ишлаб чиқарилган замонавий ускуналар билан жиҳозланди. Ҳозирги кунда ушбу корхона мазкур йўналишга ихтисослашган Марказий Осиёдаги ягона саноат объекти бўлиб, унда Республикада биринчи марта соя уни, оқсил изоляти ишлаб чиқарилиши маҳаллийлаштирилди. Ишлаб чиқариладиган маҳсулотнинг 60 фоизи экспортга йўналтирилади, 40 фоизи импорт ўрнини босувчи маҳсулотлар сифатида ички бозорга етказиб берилади. 2019-2020 йилларда уюшма таркибидаги ёғ-мой корхоналари фермер хўжаликлари билан ҳамкорликда мойли хом ашё етиштириш чора-тадбирлари ишлаб чиқилган бўлиб, унга асосан 37,6 минг гектар майдонда мойли экинлар етиштирилиб, 45 минг тонна ҳосил жамғарилган. Ушбу хом ашёни қайта ишлаш натижасида 11,2 минг тонна ўсимлик мойи ва 33,6 минг тонна ем ишлаб чиқарилади. Уюшма томонидан ноанъанавий мойли хом ашёлардан самарали фойдаланишни ташкил этиш мақсадида кичик мой ишлаб чиқариш модул цехи лойиҳаси ишлаб чиқилди. Мазкур лойиҳага асосан яратилган модул цехи контейнерга жойлаштирилган бўлиб, кичик ҳажмдаги мойли хом ашёларни қайта ишлаш имконини яратади. Цех хом ашёни тозалаш, майдалаш, совуқ усулда пресслаш, фильтрлаш, рафинациялаш ва қадоқлаш учун зарур бўлган барча ускуналар билан жиҳозланган ва кунига 2 тонна мойли хом ашёни қайта ишлаш қувватига эга. Бирламчи ҳисоб-китобларга кўра, ушбу тизим бир ойда тўлиқ қувват билан ишлаганда ўртача 15-20 миллион сўмдан ортиқроқ соф фойда олиш имконияти мавжуд. Ҳозирги кунга 4 та ана шундай технологик тизимни экспорт қилиш бўйича хорижлик ишбилармонлар билан шартномалар тузилди. Келгусида модул цехни барча вилоятларга етказиб бериш кўзда тутилмоқда. Ҳисоб-китобларга кўра, юртимизда етиштирилган ўрик, узум, қовоқ, тарвуз, анор, зиғир ва кунжутдан йилига 62 минг тонна ноанъанавий хом ашё олиш ва уни қайта ишлаш ҳисобига 16 минг тоннадан зиёдроқ шифобахш мой ишлаб чиқариш имконияти мавжуд. Жаҳон бозорида ушбу мойлар харидоргирлиги ва нархининг юқорилигини ҳисобга олсак, бу маҳаллий ёғ-мой маҳсулотлари ишлаб чиқарувчилар учун улкан имконият эканлигидан далолат беради. Шу боис уюшма томонидан мева данаклари ва полиз маҳсулотлари уруғларини қайта ишлашга ихтисослашган 5 та кичик корхона ташкил қилинди.

Давлатимиз раҳбарининг тегишли қарорига асосан, "Ўзёғмойсаноат" уюшмаси тизимидаги 23 та ёғ-мой корхонасининг устав капиталидаги давлат улушлари баҳоланиб, савдога қўйилди ва 5 та корхонанинг давлат улушлари сотилди. Жорий йилда қолган корхоналарнинг ҳам давлат акциялари сотилиши, йил якунига қадар 3 триллион 210 миллиард сўм бўлган саноат маҳсулотлари ишлаб чиқарилиши ҳамда маҳсулотлар экспорти ҳажми 15 миллион долларга етказилиши ва ўсиш суръати 114 фоизни ташкил этиши кўзда тутилган. Инвестиция дастури доирасида 10 та лойиҳа бўйича 27,6 миллион долларлик сармоя ўзлаштирилади ва бу борада ўтган йилга нисбатан 2 баробар ўсиш суръатига эришилади. Натижада импорт ўрнини босувчи юқори қўшилган қийматга эга бўлган, йилига 10 минг тонна ўсимлик мойи ишлаб чиқариш ҳамда сиғими 10 минг тонналик замонавий мойли хом ашё сақлаш омборини барпо этиш лойиҳалари амалга оширилади. Ўзлаштириладиган инвестиция ҳажмининг 7 миллион доллари тўғридан-тўғри хорижий инвестицияларни ташкил этади. Маҳаллий шароитда 61,1 минг гектар майдонда мойли экинлар етиштирилиб, 77 минг тонна хом ашё, шундан 30 минг тонна соя, 28,7 минг тонна кунгабоқар ва 19,2 минг тонна махсар дони жамғарилади. Ушбу хом ашёлардан 17,5 минг тонна ўсимлик мойи ишлаб чиқарилади ва 17,5 миллион доллар миқдорида импорт ўрни қопланади. Корхоналар томонидан 109,5 миллиард сўмлик (ўсиш суръати 105,3 фоиз) маҳаллийлаштирилган маҳсулотлар, шу жумладан, импорт ўрнини босувчи 12 минг тонна переэтификацияланган ёғ, минг тонна соя оқсили, 1,2 минг тонна дистилланган глицерин, 7 минг тонна гранулаланган омухта ем ишлаб чиқарилиши таъминланади.

Прокурор назорати – амалда

Қишлоқ хўжалигида қонунбузарликлар олди олинмоқда

Қонунийлик – тарраққиёт асоси

ЮРТБОШИМИЗНИНГ ОЛИЙ МАЖЛИСГА ЙЎЛЛАГАН МУРОЖААТНОМАСИДА "БИЗ ЯНГИ ЎЗБЕКИСТОННИ ХАЛҚИМИЗ БИЛАН БИРГАЛИКДА БАРПО ЭТАМИЗ, ДЕГАН УЛУҒВОР МАҚСАДНИ ЎЗ ОЛДИМИЗГА ҚЎЙГАНМИЗ...", ДЕЯ АЛОҲИДА ҚАЙД ЭТИЛГАН.

Мамлакатимизда бошқа соҳалардаги каби қишлоқ ва сув хўжалиги тизимларида ҳам чуқур таркибий ислоҳотлар бошланди.

Прокуратура органлари томонидан, қишлоқ хўжалигида ислоҳотларни амалга оширишга қаратилган қонунлар ижроси юзасидан домий равишда назорат ишлари амалга оширилмоқда.

Шавкатжон РАҲИМОВ,
Ўзбекистон Республикаси
Бош Прокуратураси бошқарма
бошлиғи.

Бу йўналишда прокурор назоратини ташкил этишда асосий эътибор, пахта ва ғалла экиладиган майдонлар мониторингини ўтказиб бориш, ер ажратишдаги суистеъмолчиликларнинг олдини олиш, гидротехника, мелиорация иншоотлари ҳамда қишлоқ хўжалиги техникасини ишлатишда хўжасизлик, минерал ўғит ва ёнилғи-мойлаш маҳсулотларини талон-торож қилиш ҳолатларининг олдини олиш, фермер хўжаликларининг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш масалаларига қаратилмоқда.

Ўтган 2019 йилда 742 та фермер хўжаликларига рўйхатдан ўтиш ва банкда ҳисоб-рақами очиш ҳамда 36,2 млрд. сўм кредит, 4,9 млрд. сўм иш ҳақи, 7,3 млрд. сўм нақд пул олишда амалий ёрдам кўрсатилди. Шунингдек, уларга 585 млн. сўм кредитор қарзини тўлашда ва 5,3 млрд. сўм дебитор қарзларини ундиришда, 11 401 гектар ер ҳамда 22,8 минг тонна минерал ўғит, 7,8 минг тонна нефть, 565 дона қишлоқ хўжалиги техникалари, 2,8 млрд. сўм қийматдаги эҳтиёт қисмлар ва 1 136 тонна чигит, 2,9 минг тонна уруғлик буғдой, 1 354 қути ипак қурти, 64 тонна омухта ем маҳсулотларининг қонуний асосда ажратиб берилиши таъминланди.

Якунланган йилда қишлоқ хўжалиги соҳасидаги қонунлар ижроси юзасидан ўтказилган 1 793 та текшириш ва мониторинглар натижасига кўра, 16 840 та прокурор назорати ҳужжатлари қўлланилди, жиддий қонун бузилиши ҳолатлари юзасидан 92 та жиноят иши қўзғатилиб, 25 275 нафар шахснинг, шу жумладан, 10 492 та юридик шахснинг бузилган ҳуқуқлари тикланди.

Ер умуммилий бойлигимиздир. Шу боис, ундан оқилона фойдаланиш, ер ажратишда суистеъмолчиликка йўл қўймаслик борасида назорат ишлари мунтазам олиб борилмоқда.

Кўрилган чоралар натижасида Тошкент, Фарғона, Жиззах, Сурхондарё, Самарқанд, Андижон, Хоразм, Сирдарё, Қашқадарё, Навоий вилоятлари ва Қорақалпоғистон Республикасида 7 040 гектар экин майдонларидан ноқонуний ва мақсадсиз фойдаланиб келинаётганлиги аниқланиб, 3 929 гектари захира ер фондига қайтарилиши таъминланди.

Масалан, Ҳазорасп тумани ҳокимлиги мансабдор шахслари 81 та фермер хўжаликларининг 40 балл бонитетдан паст бўлган 2 215 гектар ерга пахта экинини расмийлаштириб, ўзлари учун моддий манфаатдорлиги юқори бўлган шолини эса 174 та фермер хўжаликнинг унумдорлиги 40 балл бонитетдан юқори бўлган 2 425 гектар майдонга жойлаштирган. Ушбу ҳолат юзасидан жиноят иши қўзғатилиб, қонунни бузган мансабдор шахсларга нисбатан тергов ҳаракатлари олиб борилмоқда.

Шунингдек, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва туман ҳокимларининг ноқонуний қарорлари билан

Мисол учун, "Агрокимёҳимоя" АЖ Қўнғирот тумани филиали 63-сонли шахобчаси бошқарувчиси Т.М ва омборчиси Г.А. 974,5 млн. сўм, Миришкор туманидаги "Помуқ" филиали "Дўстлик" шахобчаси мудири Ф.Ш. 375 млн. сўм, Хонқа тумани филиалининг марказий омбор мудири Р.Ж. 463 млн. сўм, Жарқўрғон филиали омбор мудири Ш.И. 92 млн. сўм, Шеробод филиали марказий омбор мудири З.Н. 175,5 млн. сўмлик минерал ўғитларни ўзлаштириб юборганлиги учун суд олдида жавоб бермоқда.

24 737 гектар қишлоқ хўжалиги ерлари қонунсиз ажратилган.

Жумладан, маҳаллий ҳокимликлар 24 737 гектар, "Ергеодезкадастр" хизмати ходимлари 6 гектар, фермер хўжаликлари раҳбарлари 344 гектар, деҳқон хўжаликлари раҳбарлари ва бошқалар 55 гектар экин ерларини ноқонуний равишда бериб юборишган.

Айниқса, амалдаги ер ажратиш тартиби бузилган ҳолда жами 638 гектар унумдор, суғориладиган ер майдонлари турли хил мақсадларда тадбиркорлик субъектларига ажратилган.

Масалан, Андижон туман ҳокимининг 2019 йилдаги 3251-сонли қарорига кўра, "Реал метан торг" МЧЖга "Автомобилларга сиқилган газ қуйиш шахобчаси" қуриш учун 72 балл бонитетли 1 гектар ер ажратилган.

Суғориладиган ерларнинг 119 974 гектари туман ҳокимликлари захирасида ётганлиги ачинарли ҳолдир. Ерларга талабгорларнинг кўплигига қарамасдан унинг 313 гектари 2017 йилдан, 116,7 гектари 2018 йилдан буён танловга қўйилмаганлигини қандай тушунса бўлади?

Тупроқ унумдорлигини оширишга оид қонунлар ижросида ҳам муаммолар мавжуд.

Хусусан, Навоий вилояти ва Қорақалпоғистон Республикасида жами 65 069 гектар майдонларда тупроқ унумдорлиги (балл бонитети) пасайиб кетган. Айниқса, Тўртқўл, Учқўрғон, Нурота, Навбаҳор туманларида ернинг тупроқ унумдорлиги паст даражада.

Бундан ташқари, вилоятларда фермер хўжаликлари раҳбарлари, шунингдек, ер ресурслари ва давлат кадастр бўлими ходимлари томонидан экин ер майдонларини фуқароларга сотиш йўли билан муомаладан чиқариш ҳолатлари ҳамон учраб турибди.

Аниқ факт ва рақамларга мурожаат этадиган бўлсак, Каттақўрғон туманидаги "Ширин" фермер хўжалиги бошлиғи С.С, Тўрақўрғон тумани ер ресурслари ва давлат кадастри бўлими бошлиғи У.Т, "Ермулккадастр" ДУК Чироқчи тумани филиали мутахассиси А.Р, Олтиариқ туман филиали мутахассиси Э.М, Зангиота тумани ҳокимлиги умумий бўлим мудири А.Т.лар ноқонуний ер олди-сотдиси устида далилий ашё билан қўлга олиниб, қонун олдида жавоб беришга мажбур бўлди.

Деҳқонларимизнинг ҳалол меҳнати эвазига етиштирилган пахта хом ашёси ва бошоқли дон ҳосилини талон-тарож қилиш ҳолатларига ҳамон барҳам берилмаган.

Хусусан, "Ўзпахтасаноат" АЖ тизимидаги корхоналарда 63,6 млрд. сўмлик пахта хомашёси ҳамда "Ўздонмаҳсулот" АК тизим корхоналарида 22,5 млрд. сўмлик дон маҳсулотлари туя қилинган.

Пахта тозалаш корхоналарининг айрим мансабдор шахслари пахта хом ашёсининг йиғим-терими мавсумида ҳисоботларга қўшиб ёзиш орқали "чўнтак қаппайтириши" ҳеч кимга сир эмас.

"Ўзпахтасаноат" АЖ томонидан берилган маълумотларга кўра, 2019 йилда 20 та тумандаги пахта қабул қилиш масканларида 1 191 тонна пахта хом ашёси ҳисоботларга қўшиб ёзилиб, терим пуллари талон-тарож қилинган.

Жумладан, "Тўрткўл пахта тозалаш" АЖ қошидаги пахта қабул қилиш маскани мансабдор шахслари 40 та фермер хўжалигининг аслида топширмаган 237,2 тонна пахта хом ашёсини қўшиб ёзиб, 193,4 млн. сўм терим пулларини жиғилдонларига уришган. "Ўқчи пахта тозалаш" АЖ товаршуноси А.А. 991 млн. сўмлик, "Шаҳрихон пахта тозалаш" АЖнинг "Найнаво" пахта тайёрлаш маскани мудири Б.А. 561 млн. сўмлик, "Бағдод пахта тозалаш" АЖга қарашли "Қизилтепа" пахта тайёрлов маскани катта классификатори М.Ғ 287 млн. сўмлик, "Касби пахта тозалаш" АЖ раиси У.А. 213,2 млн. сўмлик қийматдаги пахта хомашёсини талон-тарож қилганлиги учун жазога тортилдилар.

Қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини етиштиришда минерал ўғитларнинг аҳамияти катта. Аммо айрим нафси ҳақалак отган соҳа мансабдорлари давлат мулки бўлган минерал ўғитни ерга бериш ўрнига ўз нафси йўлида ишлатиб юборган. Минерал ўғитлар билан таъминлаш, сақлаш ва ундан мақсадли фойдаланиш юзасидан ўтказилган мониторинг ва текширишларда 3,6 млрд. сўмлик 2 004 тонна минерал ўғит талон-тарож қилинганлиги аниқланди.

Мисол учун, "Агрокимёҳимоя" АЖ Қўнғирот тумани филиали 63-сонли шахобчаси бошқарувчиси Т.М ва омборчиси Г.А. 974,5 млн. сўм, Миришкор туманидаги "Помуқ" филиали "Дўстлик" шахобчаси мудири Ф.Ш. 375 млн. сўм, Хонқа тумани филиалининг марказий омбор мудири Р.Ж. 463 млн. сўм, Жарқўрғон филиали омбор мудири Ш.И. 92 млн. сўм, Шеробод филиали марказий омбор мудири З.Н. 175,5 млн. сўмлик минерал ўғитларни ўзлаштириб юборганлиги учун суд олдида жавоб бермоқда.

Қишлоқ хўжалигини ирригация ва мелиорациясиз тасаввур қилиш қийин. Аммо бу муҳим масалага қатор вилоятларда ҳамон панжа орасидан қаралмоқда.

Ўтказилган текширишлар натижасига кўра, қонунга зид ҳужжатларга нисбатан 180 та протест келтирилган, аниқланган қонун бузилишларни бартараф этиш тўғрисида 105 та тақдимнома киритилган, уч юзга яқин шахслар интизомий ва маъмурий жавобгарликка тортилган, жиддий қонун бузилиши ҳолатлари юзасидан 6 та жиноят иши қўзғатилган бўлишига қарамасдан 2019 йилнинг ўзида 1 млрд. 748 млн. сўм бюджет маблағлари, техника воситалари ва бошқа мол-мулклар талон-тарож қилинганлиги барчани ҳушёр тортишга чақиради.

Масалан, "Боёвутдавсувмаҳсуспудрат" давлат унитар корхонаси раҳбари М.М. ва бош ҳисобчи Қ.Ҳ.лар 67 млн. сўм, "Оқолтиндавсувмахсуспудрат" ДУК ҳисобчиси Э.Н. 31 млн. сўм, "Боёвут" ИТБ бошлиғи У.Ш. ва бошқалар 387 млн. сўм бюджет маблағларини ўзлаштириб юборганликлари учун суд олдида жавоб бермоқда.

Ёнилғи-мойлаш маҳсулотлари ва қишлоқ хўжалиги техникаларининг сақланиши ҳамда талон-тарож қилинишининг олдини олишга қаратилган қонунлар ижроси ўрганилганда 506 млн. сўм қийматдаги 104 тонна ёнилғи-мойлаш маҳсулотлари, 1 млрд. 375 млн. сўм миқдордаги қишлоқ хўжалиги техника ва эҳтиёт қисмлари талон-тарож қилинганлиги фош этилди.

Бу борада, Ғузор туманидаги 5-сонли фермерларга ёқилғи тарқатиш шахобчаси бош оператори Қ.Б., "Гулистон нефт база" МЧЖ 71-сонли фермерларга ёқилғи тарқатиш шахобчаси операторлари Б.Ж., М.О., 70-сонли фермерларга ёқилғи тарқатиш шахобчаси оператори Б.И., Сайхунобод туманидаги 32-сонли фермерларга ёқилғи тарқатиш шохобчаси оператори Х.Х.лар катта миқдордаги ёқилғи-мойлаш маҳсулотларини ўзлаштирганлиги учун қонун олдида жавоб бермоқдалар.

Президентимизнинг яқинда Олий Мажлисга йўллаган Мурожаатномасида қишлоқ хўжалиги соҳасини янада ривожлантириш учун бозор механизмларини кенг жорий этиш кераклиги таъкидланди. Фермер ва деҳқонлар манфаатдорлигини ошириш, маҳсулот етиштиришда эркинлик бериш, ер шароитини аниқлаш, экин турлари ва уруғни тўғри танлаш, зараркунандаларга қарши курашиш, молиявий кўмаклашиш, пахта, ғалла етиштиришга давлат буюртмасини бекор қилиб, ушбу маҳсулотларни бозор тамойиллари асосида харид қилиш тизимига босқичма-босқич ўтиш, мева, сабзавотчилик, чорвачилик, паррандачилик, асаларичилик, томорқадан унумли фойдаланиш борасида қўллаб-қувватлаш зарурлиги барчамиз учун энг муҳим вазифа қилиб белгилаб берилди. Биз, прокуратура ходимлари ушбу Мурожаатномага жавобан, Президентимиз атрофида янада жипслашиб, халқимизнинг барча соҳаларда, шу жумладан, қишлоқ хўжалиги соҳасида ҳам улкан натижаларга эришишида камарбаста бўламиз.

ЭЪЛОНЛАР

МУЛКЧИЛИК ШАКЛИДАН ҚАТЪИЙ НАЗАР БАРЧА ҚУРИЛИШ ТАШКИЛОТЛАРИ ВА КОРХОНАЛАР ДИҚҚАТИГА!!!

"Сув таъминоти ва оқова сув объектлари қурилиши бўйича инжиниринг компанияси" ДУК Жиззах вилояти ҳудудий бошқармаси

ТЕНДЕР ЭЪЛОН ҚИЛАДИ

Объект номи: "Жиззах вилояти Пахтакор тумани "Пахтакор" ҚФЙда сув таъминоти тизимларини қуриш"

Объектнинг бошланғич нархи (ҚҚС билан) – 4 715 323 694 сўм.

Ишларни тугаллаш муддати – 2020 йил 15 ноябргача.

Буюртмачи: "Сув таъминоти ва оқова сув объектлари қурилиши бўйича инжиниринг компанияси" ДУК Жиззах вилояти ҳудудий бошқармаси (Жиззах шаҳар Тўқимачилар кўчаси 2-уй), Тел (99872) 222-82-43,

Молиялаштириш манбаи: давлат бюджети маблағлари.

Тендер талабгорлари қуйидаги талабларга лойиқ бўлишлари лозим: тендер предметининг 20 фоизи миқдоридаги айланма маблағлари ёки кўрсатиб ўтилган маблағларни беришга банк кафолатига, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2014 йил 3 мартдаги ПҚ-2137 қарори талаблари асосида тегишли тузилмасига эга бўлиши, ишлар (хизматлар)ни бажариш учун зарур бўлган меҳнат ресурслари ва мутахассисларнинг мавжудлигига, етарли касбий ва техникавий малакага, молиявий имкониятларга, шартнома тузиш юзасидан фуқаролик-муомала ҳуқуқий лаёқат ваколатларига эга ва тажрибали бўлишлари шарт.

Маҳаллий ва хорижий қурилиш ташкилотлари тендерда қатнашганда, тендер таклифларини баҳолашда маҳаллий талабгорларга қуйидаги нарх кўрсаткичлари ҳисобга олинади:

– талабгорларнинг тендер таклифларини баҳолашда, қонун ҳужжатларига мувофиқ, импорт қилувчилар қўшилган қиймат солиғидан озод қилинадиган товарлар (ишлар, хизматлар)ни импортга етказиб бериладиган тендер таклифлари қатнашчиларнинг таклифларини баҳолашда кўрсатиб ўтилган солиқ суммаси қўшимча равишда ҳисобга олинади.

Талабгорлар тендерда қатнашиш тўғрисидаги билдиришнома ва тендер ҳужжатлари бўйича сўровномалар билан тендер ташкилотчиси – Жиззах вилоят қурилишда танлов савдоларини ташкил этиш консалтинг марказига қуйидаги манзил бўйича мурожаат этишлари мумкин:

Жиззах шаҳар И. Каримов кўчаси 5-а уй, тел.факс 0372 226-14-66.

Тасдиқланган тендер ҳужжатлари ва унинг иловаларини буюртмачи томонидан жойлаштириладиган dxarid.uzex.uz махсус ахборот порталидан юклаб олишлари мумкин.

Таклифлар тендер ташкилотчиси томонидан махсус аборот порталида тендер тўғрисидаги эълонда чоп этилган куни ва вақтига қадар қабул қилинади.

Ташкилотлар ва корхоналар диққатига !
"Сув таъминоти ва оқава сув объектлари қурилиши бўйича инжиниринг компанияси" ДУК Сурхондарё вилоят худудий бошқармаси қуйидаги объектлар қурилиши бўйича пудратчи ташкилотларни танлаш юзасидан очиқ танлов савдолари ўтказилишини эълон қилади:

№	Иншоот номи	Бошланғич нарх.сўмда		Қурилиш муддати
		ҚҚС билан	ҚҚС сиз	
1	Сурхондарё вилояти Термиз шаҳар «Жўйжангал» махалласи ҳудудида сув қувурлари қурилиши.	350 827 522	305 067 411	60 кун
2	Сурхондарё вилояти Бойсун тумани «Бибиширин» ва «Наврўз» аҳоли яшаш пунктларини ичимлик суви билан таъминлаш	586 276 632	509 805 767	150 кун
3	Сурхондарё вилояти Бойсун тумани «Оқкар» аҳоли яшаш пунктини ичимлик суви билан таъминлаш	252 799 646	219 825 779	90 кун
4	Сурхондарё вилояти Бойсун тумани «Питов» аҳоли яшаш пунктини ичимлик суви билан таъминлаш	692 509 247	602 181 954	150 кун
5	Сурхондарё вилояти Бойсун тумани «Жарқишлоқ» ва «Ўртабуз» аҳоли яшаш пунктларини ичимлик суви билан таъминлаш	736 336 674	640 292 760	210 кун
6	Сурхондарё вилояти Қумқўрғон тумани «Бўстон» аҳоли яшаш пунктини ичимлик суви билан таъминлаш	968 501 833	842 175 507	180 кун
7	Сурхондарё вилояти Сариосиё тумани «Янгихаёт» аҳоли яшаш пунктини ичимлик суви билан таъминлаш	699 189 468	607 990 842	150 кун
8	Сурхондарё вилояти Шурчи тумани «Гўзаллик» аҳоли яшаш пукнтини ичимлик суви билан таъминлаш	862 102 589	749 654 425	150 кун
9	Сурхондарё вилояти Термиз тумани «Центр Камаз» массивида қурилиши режалаштирилаётган турар-жой биносини ичимлик суви билан таъминлаш.	894 726 095	778 022 691	180 кун
10	Сурхондарё вилояти Термиз шаҳар И.Каримов кўчасидаги 2-қаватли 58-хонадонли турар-жой учун ичимлик сув тармоғи қуриш.	466 237 279	405 423 720	120 кун
11	Сурхондарё вилояти Термиз шаҳар «Термизий» кўчасида қурилаётган кўп қаватли турар-жой бинолари учун ичимлик сув қувурлари қурилиши	167 526 650	145 675 347	60 кун

Объектларнинг қурилиш ишларини молиялаштириш – Давлат бюджет маблағлари хисобидан амалга оширилади.

Буюртмачи: "Сув таъминоти ва оқава сув объектлари қурилиши бўйича инжиниринг компанияси" ДУК Сурхондарё вилоят ҳудудий бошқармаси. Манзили: **Термиз шаҳри, Тараққиёт кўчаси, 42-уй. Тел. (8-376) 223-11-68.**

Танлов савдоларида қатнашиш учун талабгорлар қуйидаги шартларга: танлов савдолари предметининг 20 фоизи миқдоридаги айланма маблағларнинг ёки кўрсатиб ўтилган маблағларни беришга банк кафолатномасига, ишлар (хизматлар)ни бажариш учун зарур бўлган меҳнат ресурсларига ва мутахассисларнинг мавжудлигига, етарли касбий ва техникавий малака, молиявий имкониятларга, шартнома тузиш юзасидан фуқаролик – муомала ҳуқуқий лаёқат ва ваколатларга эга, тажрибали ва ишончли бўлишлари шарт.

Савдода қатнашиш ва танлов ҳужжатларига эга бўлиш учун сўровнома билан савдо ташкилотчиси – Сурхондарё вилояти Қурилишда танлов савдоларини ташкил этиш консалтинг марказига қуйидаги манзил бўйича мурожаат этиш мумкин: **Термиз шаҳар Тараққиёт кўчаси 42- уй, Телефон/Факс: (376) 223-44-73, 223-44-78 ф.**

Таклифлар (оферталар) савдо ташкилотчисига тақдим этишнинг охирги муддати оферталар очилиши куни ва соати.

Таклифлар (оферталар) очилиши, уларни махсус ахборот порталида эълон чоп этилган кундан бошлаб 10 кундан кейин, қуйидаги манзилда Термиз шаҳар Тараққиёт кўчаси 42- уйда ўтказилади.

Янги давр кишиси
Унинг ахлоқи қандай бўлиши керак?

МУЛОҲАЗА

Техноген дунё (жамият) ижобий(ми)?

Ўтган XX аср инсоният хотирасида ўзининг иқтисодий ва сиёсий силкинишлари билан характерли хусусиятга эга бўлди. Айнан шу даврда илмий кашфиётлар, техникавий ихтиролар яратилди. Ушбу барча янгиликлар техноген ривожланиш, яъни цивилизациянинг ўзига хос кўринишига олиб келди. Тадқиқотчиларнинг фикрича, бу давр техноген цивилизация даври деб юритила бошланди.

Отабек ЙЎЛДОШЕВ,
Тошкент давлат юридик университети Тил ўргатиш кафедраси катта ўқитувчиси.

Ҳозирги кунда бир икки авлоднинг умри жараёнида инсонни ўраб турган техносфера билан унга мос бўлган одамларнинг ҳаёт тарзи шу қадар ўзгариб бормоқдаки, натижада янги сунъий муҳит билан янги инсон шахси шаклланиб, янгича одоб, янгича урф-одат ва анъаналар таркиб топмоқда. Натижада, замонавий муаммолар кун тартибига чиқмоқда.

Техноген цивилизация ўз даврида инсон учун нафақат ижобий, балки салбий оқибатларни ҳам келтириб чиқарди. Бугунги кунда инсон маънавиятига қарши йўналтирилган, бир қарашда арзимас туюладиган кичкина хабар ҳам ахборот оламидаги глобаллашув шиддатидан куч олиб, зарарини ҳеч нарса билан ўлчаб бўлмайдиган зиён етказиши мумкин. Масалан, маънавий таҳдидларнинг бир кўриниши бўлган "оммавий маданият" ниқобидаги тазйиқларнинг ёшлар онгига таъсири мамлакат тараққиёти учун хавф солади. Айниқса, вояга етмаган болаларнинг турли интернет клубларида ўтиришлари ва порнографик сайтларга киришлари, мобил телефонлардан нотўғри фойдаланиб, беҳаё фильм ва суратлар олиб юришлари, энг даҳшатлиси, ёшларнинг онгига бўлган ҳужум, буларнинг барчаси нафақат инсон маънавий камолатига, балки ҳар қандай жамиятга улкан зарар келтиради.

Техноген цивилизацияда, инсон дунёни доимо ўзгартириб борувчи фаол бир мавжудот сифатида англашилади. Бундай цивилизацияда инсоннинг фаоллиги ташқи оламни, асосан, табиатни, ўзгартиришга йўналтирилган бўлиб, инсон табиат устидан турган ҳоким сифатида тушунилади. Бунда ташқи дунё кишининг фаолият юритиш майдони сифатида кўрилиб, у табиатдан ўзининг эҳтиёжига зарур бўлган барча нарсаларни беҳисоб олишни тақозо этади.

Одамзод хўжалик юритиш жараёнида табиий унсурлардан ўз эҳтиёжи учун фойдалана бориб,

Техноген цивилизация ўз даврида инсон учун нафақат ижобий, балки салбий оқибатларни ҳам келтириб чиқарди. Бугунги кунда инсон маънавиятига қарши йўналтирилган, бир қарашда арзимас туюладиган кичкина хабар ҳам ахборот оламидаги глобаллашув шиддатидан куч олиб, зарарини ҳеч нарса билан ўлчаб бўлмайдиган зиён етказиши мумкин.

уларга таъсир этади. Айни пайтда, у бу унсурларни қайта ишлаб, ички ва ташқи тузилишларини ўзгартиради. Баъзиларини бошқа ҳудудларга ташиб, кўп миқдорда жамлайди, яна бошқаларини тайёр маҳсулот сифатида истеъмол жараёнида сарфлайди. Натижада унсурларнинг баъзилари йўқ бўлиб кетиб, бошқалари ўзининг асл шакли, мазмуни ва маконини ўзгартириди ва ўзгача шароитга тушади. Шунда улар ўз хусусиятларини ўзгартирибгина қолмай, борган жойларининг табиатига ҳам таъсир этадилар. Оқибатда она табиат, шу жумладан, инсоннинг ўзи ҳам, асл ҳолатидан бошқа бир ҳолатга ўта бошлайди.

Инсон фаолияти орқали атроф-оламга кўрсатган таъсирига табиат ўзининг тикланиш ва мослашиш қобилияти билан акс таъсир этади. Аммо табиатнинг мослашиш ва тикланиш қобилиятининг ҳам чеки мавжуд. Инсоннинг хўжалик юритиш жараёни оқибатларини бартараф этувчи табиатнинг тикланувчи ва мослашувчи қувватлари кучи сусайганда, табиат билан жамият ва жамият аъзолари орасидаги муносабатларда бир қатор зиддиятлар келиб чиқади.

Бундай шароитда инсоннинг ҳар томонлама ривожланишининг иложи қолмади. Ишлаб чиқариш жараёнининг кўпгина вазифаларини машина бажариб, ер юзида ишсизлик ҳамда бўш вақтни сарфлаш муаммолари келиб чиқди. Техниканинг бир қанча ютуқларига қарамай, инсон ташвишлардан ҳоли бўлиб, бахтли бўла олмади. Аксинча, техникавий жараён ўсиши баробарида одамларнинг ташвиши орта бориб, асаби бузилиб, турли "техноген цивилизация касалликлари" деган хасталикларга учраб, ўзини бахтсиз сеза бошлади.

Бу номаъқул оқибатларнинг олдини олиш мақсадида, аҳоли, айниқса, ёшларга замонга яраша таълим ва тарбия бериш заруррлиги ҳам аён бўлди. Техноген цивилизация кераксиз оқибатларга олиб келмаслиги учун кишиларда фазилат деб аталувчи ижобий ижтимоий сифатларни шакллантириш лозим экан.

Маърифат ва маданият соҳасининг зиммасига жамиятнинг таълим ва тарбияга бўлган эҳтиёжини қаноатлантириш, ёшларни ва ёш авлодни замон талабига жавоб берадиган соғлом ва баркамол этиб тарбиялаш вазифаси тушган. Кишини соғлом ва баркамол этиб вояга етказиш учун ҳар бир шахсда бир-бирини тақозо этувчи ва бир-бири билан функционал боғлиқ бўлган қатор фазилатлар шакллантириб борилиши шарт экан. Улар йиғма характерга эга бўлиб, ҳаммага маълум бўлган ижтимоий сифатлар шу фазилатларга унсур вазифасини бажариб, уларнинг таркибига киради. Ахлоқ ва одоб муайян жамият ва даврда ўзгаришларга учраши, ривожланиши ёки сўниши мумкин. Ҳар бир халқнинг ёки миллатнинг ўзига хос ахлоқи билан бир қаторда, умумбашарий одоб меъёрлари ҳам бор. Марказий Осиё халқлари одобшунослик соҳасида бой анъанага эга. Ахлоқ ва одобга оид фикрлар "Авесто" диний-ахлоқий китоби, қадимги турк битиклари ва бошқа ёзма манбаларда ўз ифодасини топган. Булардан ташқари, ўзбек халқи ўртасида кенг тарқалган пандномалар, ўгитлар ва одобномаларда, халқ педагогикасида, диний-фалсафий монографияларда, алломалар меросида ахлоқ ва одобга кенг ўрин берилган.

Хулоса ўрнида халқимиз келажагининг сиёсий, иқтисодий ва маънавий вазифаларини ҳал этиш кўп жиҳатдан жамиятнинг ва ундаги ҳар бир инсоннинг ахлоқ даражасига боғлиқдир. Аҳлоқ ва одоб шахс ижтимоий сифатларини ривожлантиришнинг асоси ҳисобланади. Меҳр-оқибат, садоқат, самимийлик, иззат-ҳурмат, андишалик сингари яхши ахлоқларни ёшларга ва фарзандларга сингдириш бугуннинг энг долзарб муаммоларидан биридир. Глобаллашув шароитида миллий-маънавий хавфсизликни таъминлаш, миллий-маънавий меросни ёшлар онги ва дунёқарашининг ажралмас қисмига айлантириш умуммиллий ғоя эканлигини англаб етишдир. Инсоннинг жисмоний, ақлий ва руҳий саломатлиги миллат бойлиги ҳисобланади. Шу боис ҳар бир киши ўзининг ва атрофдаги кишиларнинг бу уч турдаги саломатлигини асраши ва авайлаши керак.

ЭЪЛОНЛАР

Магний нитрат ҳосилдорликни оширишда муҳим восита

Ts 00203068-73:2018 Маҳсулот сертификатланган.
Нитрат магний тўлиқ сувда эрийдиган ўғитдир.
Иссиқхона ва очиқ тупроқда суғоришда ва илдиздан ташқари ўғитлаш учун қўлланилади.
Ўсимлик барларига магний нитратни пуркаш, уларда бир пайтнинг ўзида азот ва магний танқислиги пайдо бўлганда, тавсия этилади!

Хусусияти
- Магнийга талабчан экинларни илдиздан ташқари ўғитлаш учун самарали;
- Пуркашда экинларни куйдирмайди;
- Мева ҳосил қиладиган гулларни катталаштиради ва яхшилайди;
- Ҳужайра деворларини мустаҳкамлайди;
- Гидропоникада магнийнинг энг яхши манбаи;
- Сувда яхши эрийди;
- Таркибида номалум аралашмалар ва эримайдиган қолдиқлар йўқ;
- Кальцийли селитра билан бирга ишлатиш мумкин;
- Бошқа ўғитлар билан ишлатиш мумкин.

Қўллаш муҳити
Барча турдаги тупроқда ишлатиш учун мўлжалланган. Магний моддаси кам бўлган тупроқда дозасини икки баравар кўпайтириш мумкин. Бошоқли экинларда ўзининг самарадорлигини кўрсатади. У туфайли картошканинг крахмали ошади. Шакар ва озуқа лавлаги, тамаки, донли ловия, ловияли ўтлар, сабзавот экинлари (бодринг, картошка, помидор, карам)га кўп миқдордаги магний солинади.

Магний нитрат билан озиқлантиришни апрель ойида, вегетация бошида бошлаш ва август ойи ўртасининг охиригача давом эттириш керак.

Етиштирилаётган экинлар	Солиш меъёри kg/ga, (суюқлик ҳажми) l/ga	Пуркалаётган суюқлик концентрацияси, % массаси бўйича	Усули, даври
Мевали дарахтлар ва реза мева буталари	4-6 (500-1000)	0,6 – 1,2	Азот ва магний танқислиги аниқлангандан сўнг ҳар 4-5 кунда 2-3 марта пуркаш
Қулупнай	3-4 (300-400)	0,6-1,0	Азот ва магний танқислиги аниқлангандан сўнг ҳар 4-5 кунда 2-3 марта пуркаш
Помидорлар (ёпиқ тупроқ)	1-2 (300-400)	0,2-0,5	Азот ва магний танқислиги аниқлангандан сўнг ҳар 3-4 кунда 2-3 марта пуркаш
Помидорлар (очиқ тупроқ)	2-3 (300-400)	0,5-0,8	Азот ва магний танқислиги аниқлангандан сўнг ҳар 3-4 кунда 2-3 марта пуркаш
Донли экинлар, яйлов, маккажўхори	4-6 (300-400)	0,6-1,0	Азот ва магний танқислиги аломати тарқалиши фазасидан ҳар 4-5 кунда 2-3 марта пуркаш
Рапс, лавлаги	1-2 (300-400)	0,4-0,5	Вегетация вақтида ҳар 7-10 кунда 2-3 марта 8-10 барларни пуркаш
Картошка, тамаки	1-2 (300-400)	0,5-0,8	Азот ва магний танқислиги аниқлангандан сўнг ҳар 3-4 кунда 2-3 марта пуркаш

Ушбу ўғит юқорида кўрсатилган озуқа моддалари етишмовчилигини тезда бартараф қилишга имкон беради.

Даврий фертигация. Очиқ ва ёпиқ тупроқда бодринг, помидор, қалампир ва бошқа боғдорчилик ўсимликлари, магний танқислиги аниқланганда ҳар 5-7 кунда 1000 литр сувда 0,3-1,0 кг. эритилган ўғит билан ишлов берилади.

Узлуксиз фертигация. Инерт муҳитда томчилаб суғориш тизими билан ҳар кунги фертигацияда (минерал ва анъанавий минерал ўғит одатда 1000 литр озуқа эритмасига 0,05-1,0 кг. магний нитрат ишлатилади).

Диққат. Пуркаш эрта тонгда ёки кечқурун бажарилиши керак. Пуркашни ўртача катталиқдаги томчилар билан бажаринг. Тавсия этилаётган магний нитрат дозаси тегишли миқдордаги сувда эритилиши ва аралаштирилгандан сўнг пуркаш резервуарига қуйилиши керак.

Магнийли ва калийли селитраларни бир пайтда ишлатиш **қатъиян ман этилади.**

Хавфсизлик талаблари: магний нитрат кучли оксидловчи бўлиб, органик модда билан контактда бўлганда ёнғинни келтириб чиқаради.

Магний нитратни сақлаш учун хона ёнувчи материаллар, органик материаллар, кучли тиклагичларга хавфли яқинликда бўлмаслиги керак. Хона вентиляция билан жиҳозланган ёки яхши шамоллатиладиган, салқин ва қуруқ бўлиши керак. Контейнерлар зич ёпиладиган бўлиши зарур.

Магний нитрат инсон организмига таъсир қилиш даражаси бўйича ГОСТ 12.1.007га биноан хавфлиликнинг 3-синфга киради.

Ташиш: Магний нитрат сақланишини таъминлайдиган транспортнинг барча турларида ва транспортнинг ушбу турига амал қиладиган юкларни ташиш қоидаларига мувофиқ ташилади.

Сақлаш: магний нитрат намликдан, ифлосланишдан ва тарани механик шикастланишидан ҳимояловчи ёпиқ қуруқ омборхоналарда ёпиқ контейнерларда стеллаж ёки тагликларда тахланган ҳолда сақланади.

Магний нитратни сақлаш учун хона ёнувчи материаллар, органик материаллар, кучли тиклагичларга хавфли яқинликда бўлмаслиги керак.

Р.АБДУРАШИДОВ,
"Maxam-Chirchiq" акциядорлик жамияти Инновация бўлими бошлиғи.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2007 йил 27 апрелдаги ПҚ-630-сон қарорига асосан "HEALTHCARE MED" МЧЖ ўз фаолиятини ихтиёрий тугатади. Дебиторлик ва кредиторлик қарзлари бўйича аризалар эълон чоп этилган кундан бошлаб 20 кун муддат ичида қабул қилинади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2007 йил 27 апрелдаги ПҚ-630-сон қарорига асосан "NURAFSHON GREEN STONE" МЧЖ ўз фаолиятини ихтиёрий тугатади. Дебиторлик ва кредиторлик қарзлари бўйича аризалар эълон чоп этилган кундан бошлаб 20 кун муддат ичида қабул қилинади.

Олмазор т. ДХМ томонидан 2019 й. 20 декабрда 697664 реестр рақами билан қайта рўйхатдан ўтган "INTER DOUBLE TRADE" (СТИР 306223944) МЧЖ устав фонди 430 260 000 (тўрт юз ўттиз миллион икки юз олтмиш минг) сўмдан 1 092 840 (бир миллион тўқсон икки минг саккиз юз қирқ) сўмга камайтирилади. Мурожаат учун тел.: (+99897) 140-97-78.

"SABO FOOD" ХК (СТИР 305362796) ўз фаолиятини 10.01.2020 й.дан муассисининг 10.01.2020 й.даги қарорига асосан тугатилишини маълум қилади. Даъволар учун муддат эълон чиқиш санадан бошлаб 2 ой.

Qishloq hayoti
O'zbekiston Respublikasi ijtimoiy-iqtisodiy gazetasi

МУАССИСЛАР: Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси таркибидаги ҳамда бошқа дахлдор вазирлик ва идоралар.

Бош муҳаррир – **Чори ЛАТИПОВ**

Таҳрир ҳайъати:
Жамшид ХЎЖАЕВ, Шавкат ҲАМРОЕВ, Бакриддин ЗАРИПОВ, Шуҳрат ТЕШАЕВ, Муҳаммаджон ТОШБОЛТАЕВ, Абдурасул АБДУЛЛАЕВ, Актам ХАИТОВ, Ботир СУЛАЙМОНОВ, Маҳмуд ТОИР.

Ҳабиб ТЕМИРОВ – Бош муҳаррир ўринбосари
Раимқул СУЯРОВ – Бош муҳаррир ўринбосари

Телефонлар: Қабулхона – 236-26-50.
Аграр масалалар бўлими – 236-26-47.
Хатлар ва жамоатчилик билан алоқалар бўлими – 233-76-78.
Факс – 233-44-43, 233-09-93.
Реклама ва эълонлар – 236-26-50, 233-28-04.
web sayt: www.qishloqhayoti.uz
e-mail: info@qishloqhayoti.uz

Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлиги томонидан 2009 йил 13 февралда № 0020-рақам билан рўйхатдан ўтказилган.
Буюртма Г-125, ҳажми 2 босма табоқ. Офсет усулида босилди, қоғоз бичими А-2. Манзилимиз: 100000, Тошкент, Матбуотчилар кўчаси, 32-уй.
Газета таҳририятнинг ўзида компьютерда терилди ва дизайнер **Маркс ЮСУПОВ** томонидан саҳифаланди.
4 951 нусхада чоп этилди. НАШР ИНДЕКСИ – **144**
Босишга топшириш вақти: 21.00 Босишга топширилди: 01.45

ISSN 2010-7021

Навбатчи муҳаррир:
А.ҲАҚБЕРДИЕВ

Баҳоси келишилган нархда. Газета "Шарқ" нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида босилди. Манзили: "Буюк Турон" кўчаси, 41-уй. 12456